

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВА ФАРОХАТ САТТАРБЕРГАН ҚИЗИ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АЛЛАЛАРНИНГ
МАЪНОВИЙ-УСЛУБИЙ ВА ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч– 2022

УЎК: 811.111'25:398.831

811.512.133'25:398.831

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on Philological
sciences

Каримова Фарохат Саттарберганқизи

Инглиз ва ўзбек тилларида аллаларнинг маъновий-услубий ва лингвомаданий
хусусиятлари.....

Каримова Фарохат Саттарберганқизи

Смысловые, стилистические и лингвокультурологические особенности
колыбельных песен на английском и узбекском языках

Karimova Faroxat Sattarbergan qizi

Semantic, stylistic and linguocultural features of lullabies in English and Uzbek
languages.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВА ФАРОХАТ САТТАРБЕРГАН ҚИЗИ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АЛЛАЛАРНИНГ
МАЪНОВИЙ-УСЛУБИЙ ВА ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч– 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PHD/Fil1627 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (fil-ik.urdu.uz) ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим порталида(www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эрметова Жамила Исмоиловна,
филология фанлари номзоди, доцент.

Расмий оппонентлар:

Тешабоева Зиёдахон Қодировна,
филология фанлари доктори, доцент,

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич,
филология фанлари номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02. рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: fil-ik.urdu.uz.)

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99862) 224-67-00)

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



З.Д.Дўсимов,
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор,

С.М.Сариев,
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш котиби, филол. ф. д., доцент,

А.Д.Ўрозбоев,
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.б., филол.ф.д., доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш ва уларни тадқиқ қилиш масаласи доимий долзарблик касб этиб келади. Дунё тилшунослигида халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, аллаларнинг бола тарбиясига бўлган таъсирини унда сўздан усталик билан фойдаланиш маҳорати, лингвопоэтикасини ўрганиш ва болалар нутқини шакллантиришдаги бекиёс ўрнини аниқлаш янги босқичга кўтарилмоқда.

Замонавий дунё тилшунослигида халқ оғзаки ижоди намуналари матнларини таржима қилиш, нашрга тайёрлаш ва уларни лингвопоэтик таҳлил қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инглиз ва ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг тили, улардаги шакл ва мазмун муносабати, тил бирликларининг бадий вазифаси, эстетик қимматини лингвомаданий аспектда ўрганиш ҳамда шу орқали миллийликнинг акс эттирилишини ёритиш заруриятга айланган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам бу йўналишда янгидан-янги тадқиқотлар амалга ошириляпти. Халқ оғзаки ижодидаги кўшиқ, мақол, масал, матал, алла, ёр-ёрлар, келин саломлар лингвопоэтикасини ўрганиш тилшуносликда муҳим саналади. Айниқса, аллалар бола онгини ўстиришда ва нафосатини шакллантиришда бекиёс аҳамият касб этади. Боланинг руҳи ва танаси учун бирламчи заруратлардан бири бу озиклантириш бўлса, иккинчиси сокин оҳангли алла ёрдамида тинч уйқусини таъминлашдир. Алла болани тинчлантириши билан бирга, маънавий озуқа ҳам беради, унинг бола тарбиясига ва руҳий ҳолатига бўлган таъсирини ўрганиш узоқ даврлардан олимларни қизиқтириб келмоқда. Сўнгги йилларда маънавий кадриятлар тизимида алоҳида ўринга эга бўлган алла матнларига оид илмий тадқиқотлар кўлами фольклоршунослик, таржимашунослик, чоғиштира тилшунослик ва қиёсий адабиётшунослик соҳаларида янада ортиб бормоқда. Ўзбек аллаларини тадқиқ қилиш ниҳоятда муҳим мавзу бўлиб, уни ўрганиш орқали биз нафақат тил бирликлари, уларнинг маъновий таъсирини, балки миллий кадриятларимиз ҳақида кенгрок билимга эга бўлишимиз ҳам мумкин.

Ҳозирги кунда хорижий тилларни ўқитиш соҳасидаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқиш эҳтиёжи ортмоқда. Ушбу эҳтиёж, ўз-ўзидан, лингвистикани чуқур ўрганиш ва олинган натижаларни оммага тақдим этиб боришни талаб қилади. Шу билан бирга, ўзбек аллалари ҳам халқ этнолингвистикасини ўрганишда қимматли материал ҳисобланади.

Инглиз ва ўзбек аллаларининг мавзу кўлами, уларнинг маъновий ва услубий ўзига хосликлари, ҳар иккала тил аллаларидаги миллий кадриятларни ифодаловчи лингвокультуремалар, лингвомаданий мотивлар чоғиштира тилшунослик нуқтаи назаридан ҳалигача деярли ўрганилмаган. Бу эса ўрганилаётган масала ўзбек ва инглиз тилшунослигида ниҳоятда долзарб эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳада, жумладан, илм-фан, адабиёт, маданият ва

санъат соҳаларида илмий-амалий изланишлар кўламини кенгайтириш учун қатор қўшимча имкониятлар яратилгани халқимизнинг урф-одат ва расм-русумларини, анъанавий эътиқодий тушунчаларини ифодаловчи аллалар ва уларга хос лексик-семантик, стилистик хусусиятларини очиб беришни, уларнинг компонентларини чуқур таҳлил қилиб ўрганишни кун тартибига кўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 20 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги 312-сонли “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация маълум бир даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида аллалар масаласи илмий жиҳатдан кенг муҳокамага тортилган мавзулардан ҳисобланади. Инглиз тилида ушбу мавзу юзасидан С.Грейс¹, Х.Фукуда², А.Л.Крейтон³, Н.Газбан⁴, К.Виктория⁵, Б.Миллер⁶ ва К.Ф.Ховиуслар⁷ каби олимларнинг қатор илмий ишлари юзага келган.

¹ Grace S. L. The effects on infants of empathy and resonance as reflected in lullabies and playsongs: A musical developmental theory. – University of California. San Diego. PhD thesis, 1991.

² Hanako F. Lullabies of the western hemisphere. – University of Southern California. PhD thesis, 1960.

³ Creighton A. L. “Play songs and lullabies: features of Emotional communication and Developing mother-infant attachment. – University of Western Sydney, 2014.

⁴ Ghazban N. “Emotion regulation in infants using maternal singing and speech. PhD thesis. – Canada, Toronto, Ontario, 2013.

⁵ Milligan V. K. “Attachment and Depression: Communication and Perception of Emotion Through Song. – USA: University of Toronto, 2000.

⁶ Miller F.B. “Teaching music in relation to history and culture through the use of tribally specific native american lullabies”. – Silver Lake College, 2000.

Аллалар ўзи мансуб халқнинг маданиятидан хабар берувчи эстетик ходиса саналганлиги туфайли лингвокультурологик ёндашувни талаб қилади. Чунки алла матнларида миллатнинг ўзига хослигини кўрсатувчи бирликлар бисёр. Лингвокультурологияга алоқадор тадқиқотлар орасида Г.Б.Палмер, Г.Хугес, В.В.Воробьев, С.Г.Воркачев, В.И.Карасик, В.Красных, В.А.Маслова, Ф.Х.Хасанова, Ф.Г.Фаткуллина, А.Р.Габбасоваларнинг ишларини ⁸ санаб ўтиш мумкин. Улар ўзларининг илмий асарларида лингвокультурологияга доир назарий қарашларини келтириб ўтишган.

Ўзбек адабиётшунослиги, хусусан, фольклористикасида О.Сафаров ⁹, Г.Мардонова ¹⁰, М.Ёқуббекова ¹¹ кабилар бевосита мавзуга алоқадор тадқиқотларни амалга оширишган. Жумладан, ўзбек халқ аллалари устида чуқур изланишлар олиб борган фольклоршунос олима М.Ёқуббекова “Аллаларда оиланинг оппоқ орзуси” номли рисола ҳам нашр эттирган. М.Жўраевнинг маросим қўшиқлари, айтимлар ва шукрона қўшиқларини ўзида мужассамлаштирган “Ой олдида бир юлдуз” ¹² номли китоби нашр қилинган. Лекин айнан ўзбек тилидаги алла матнларининг қардош бўлмаган тиллар билан чоғиштирма тадқиқи ҳали амалга оширилмаган.

Ўзбек тилшунослигида Г.Боқиева, Д.Ашурова, А.М.Бушуй, Ш.Сафаров, А.Маматов, О.Юсупов, Д.Худойберганаева, Ж.Ёқубов, Д.Тошева, Н.А.Тухтаходжаева ¹³ каби тадқиқотчиларнинг лингвокультурология соҳасидаги илмий қарашлари диққатга сазовор.

⁷ Novious C.F “The lullaby as an art form in english literature: 1300-1650”. – University of Southern California, 1930.

⁸ Palmer G.V. Toward a Theory of Cultural Linguistics. – Austin: University of Texas Press, 1996. – 348 p.; Hughes G. Political correctness // A history of semantics and culture. A John Wiley and Sons Publication. – Singapore, 2010. – 334 p.; Воробьев В.В. Лингвокультурологическая парадигма личности. – Москва: Рос. Ун-т. Дружбы народов, 1996. – 170 с; Воркачев С.Г. Лингвокультурология. Языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. – Москва, 2001. – №1. – С.64-72; Карасик В.И. Лингвокультурные концепты // Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Москва: Гнозис, 2004. – 390 с.; Красных В. Этнопсихология и лингвокультурология. – Москва: Гнозис, 2002. – 284 с.; Маслова В.А. Лингвокультурология. 2-ое издание. – Москва: Academia, 2004. – 170 с.; Хасанова Ф.Х. Лингвокультурологическое поле концепта «Туй» в татарской языковой картине мира: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Казань, 2008. – 21 с.; Фаткуллина Ф.Г., Габбасова А.Р. Лингвокультурологический и аксиологический аспекты характеристики концепта “свадьба” в башкирской и русской языковой картине мира // Сохранение и развитие родных языков и культур в условиях многонационального государства: проблемы и перспективы: Материалы международной научно-практической конференции. – Уфа: РИЦ БашГУ, 2010. – С.282.; Тухтаходжаева Н.А. Бадий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланишини (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 42 б.

⁹ Сафаров О. Ўзбек халқ аллалари. Алла-ё алла. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 133 б.

¹⁰ Мардонова Г. Алла айтай, жоним болам. – Тошкент: Чўлпон, 1996. – 64 б.

¹¹ Ёқуббекова М. Жанровая специфика и поэтические особенности узбекских народных колыбельных песен «Алла». – Тошкент, 1990.

¹² Жўраев М. Ой олдида бир юлдуз. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 160 б.

¹³ Бакиева Г. Лингвистические основы анализа художественного текста: Автореф. дисс... док-ра филол. наук. – Т., 1993. – 46 с.; Ашурова Д. Лексикон как отражение национально-культурной

Хоразм болалар фольклорини тадқиқ қилган Х.Рўзметовнинг “Хоразм болалар фольклори (локал хусусиятлари, таснифи ва бадиияти)”¹⁴ номли диссертациясида ҳам воҳада куйланадиган аллалар хусусида фикрлар билдирилган.

Ўзбек болалар алла намуналарини Тинчлик Корпуси кўнгиллиси Мерилин Питерсоннинг “Treasury of Uzbek Legends and Lore” (“Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва афсоналари хазинаси”) номли китобида ҳам учратиш мумкин¹⁵. Аллалар билан бир қаторда бешик тўйи айтим-олқишлари, эркалама, халқ ўйинлари сингари болалар фольклори жанрларидан намуналар келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч давлат университетининг “Инглиз тилини ўрганишда қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашуносликнинг ўрни” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек аллаларидаги сўзларни маъновий, услубий жиҳатдан таҳлил қилиш, лингвомаданий хусусиятларини чоғиштирма аспектда ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ўзбек тилидаги “алла” ва инглиз тилидаги “lullaby” сўзларини маъновий жиҳатдан ўрганиш;

инглиз ва ўзбек аллаларини контекстуал гуруҳларга ажратиш;

алла матнларида қўлланилган услубий воситалар ишлатилиш кўламига кўра майдон яратиш;

инглиз ва ўзбек маданиятида акс этган лингвокультуремалар орқали алла матнларини лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

специфики языка // 2-я межд. науч. конф. Язык и культура. – М., 2003. – С.76-81; Бушуй А.М. Взаимоотношения между языком, культурой и обществом // Тил ва миллий маданият. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 10 йиллиги юбилейига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция материаллари. – Самарқанд, 2008. – Б.6-13; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – 300 б.; Маматов А. Лингвомаданиятшунослик: лингвокультурема ва логозипистема. – Ҳорижий филология. Тил. Адабиёт. Таълим. – Самарқанд, 2015. – №1(54). – Б. 9-15; Юсупов Ў. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида / Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. – Т., 2011. – Б.49-55; Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. док-ри дисс. автореф. – Тошкент., 2015. – 102 б.; Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: “Турон замин зиё”, 2015; Тошева Д. Лингвокультурология ва унинг тадқиқ манбаи // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – Бухоро, 2016. – №3 (63). – Б. 80.

¹⁴ Рўзметов Х. Хоразм болалар фольклори (локал хусусиятлари, таснифи ва бадиияти). – Урганч. 2005.

¹⁵ Petersen M. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000; Marilyn Peterson 1996-2000 yillarda Tinchlik korpusining ko'ngillisi sifatida Buxoro viloyatida istiqomat qilib, mahalliy xalqning urf-odat va an'analari bilan qiziqib, talay materiallar yig'gan va ularni ingliz tiliga o'giran.

аллаларда инонч ва ақидалар лингвистик маданиятнинг асосий мотиви эканлигини ёритиш.

Тадқиқот объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги нашрий аллалар матнлари танланган (О.Сафаров, А.Тилавов, М.Ёқуббекова, Г.Мардонова, К.Битон, Ж.Мессенжер, Б.Катз, П.Ярров, П.Ламонт, С.Эмерсонларнинг асарларидаги алла намуналари асосида).

Тадқиқот предметини инглиз ва ўзбек аллаларининг маъновий, услубий ва лингвомаданий нуқтаи назардан лингвистик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда чоғиштира, тавсифий (контекстуал), статистик, компонент, этимологик, концептуал ва маданиятларо таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

инглиз тилидаги “lullaby” ва ўзбек тилидаги “алла” сўзларининг болани ухлатиш учун айтиладиган қўшиқ, аёл рутбаси, муқаддас тушунча, мантиқан бешиқ, беланчак, оромбахш маскан, муқаддас макон каби маъно қирралари мавжудлиги чоғиштира таҳлиллар асосида исботланган;

чоғиштирилаётган тиллардаги аллаларда инсон образи (аллада бола, ота, она, тарихий шахслар образи) таҳлили ва маънавий-маърифий қадриятлар билан боғлиқ аллаларнинг лексик-семантик гуруҳларни аниқлаш орқали лингвокультуремаларнинг тиллараро лингвомаданий ўзига хосликни кўрсатувчи лисоний восита эканлиги далилланган;

инглиз ва ўзбек аллаларини лексик жиҳатдан таҳлил қилиш орқали ҳар икки тилда антонимия, партонимия, гипонимия каби лисоний муносабатлар билан бир қаторда синонимия ҳодисасининг эркалаш категорияси маънони кучайтиришга хизмат қилувчи етакчи восита эканлиги асослаб берилган;

чоғиштирилаётган тиллар аллаларида статистик кўрсаткичлар асосида қўлланилган услубий воситаларнинг стилистик майдонини аниқлаш орқали стилистик воситаларни қўлланилиш кўламига кўра инглиз тилида сифатлаш, ўзбек тилида эса метафора етакчилик қилиши далилланган;

тиллараро лингвокультуремаларни кросс-маданий таҳлил қилиш орқали инглиз маданиятида диний мазмунга эга бўлган лисоний бирликлар етакчилик қилиши, ўзбек аллаларида эса хўжалик ҳаёти билан боғлиқ лисоний бирликлар фаол қўлланилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилидаги алла матнларининг лингвокультурологик тадқиқи, аллаларнинг иккала халқ маданиятини ўрганишдаги ўрни, алла матнларида фойдаланилган лексик бирликларнинг бола тарбиясидаги аҳамияти, аллаларда сўзларнинг жойлашуви, радиф, жуфт ва такрор сўзларнинг услубий ўзига хосликлари таҳлили натижасида чиқарилган хулоса ва талқинлар ҳозирги ўзбек ва инглиз тиллари лингвокультурологияси

учун муҳим зарурий, илмий маълумот бериши ва лингвомаданиятшунослик бўйича тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши асосланган;

инглиз ва ўзбек аллаларида қўлланилган сўзларнинг лексик-семантик, стилистик таҳлили ва ҳар иккала тил алла матнларидаги миллий қадриятларни ифодаловчи лингвокультуремалар бўйича тўпланган материаллар чоғиштирма луғатларда ҳамда қиёсий тилшунослик бўйича тадқиқотлар яратишга бевосита манба бўлиб хизмат қилиши, лингвомаданиятшуносликни ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги инглиз ва ўзбек тиллари табиатидан келиб чиққан ҳолда муаммонинг аниқ қўйилиши, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, таҳлилга тортилган лисоний материалларнинг асослилиги, замонавий парадигмада қўлланилган усуллардан фойдаланилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тилшунослик ва лингвокультурологиядаги мулоқот жараёнида миллий-маданий стереотиплар муаммосини тадқиқ этишда, шунингдек, турли тизимли тилларда аллаларнинг маъновий, услубий ҳамда лингвомаданий хусусиятларини тадқиқ қилишда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижа ва хулосалари қиёсий тилшунослик, лингвокультурология, қиёсий адабиётшуносликка оид дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзишда, олий ўқув юртларида “Таржима назарияси”, “Лингвомаданиятшунослик” каби махсус курсларни ўқитишда манба ҳамда материал вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида аллаларнинг маъновий-услубий ва лингвомаданий хусусиятларини тадқиқ қилиш юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

алла матнларининг маъновий хусусиятлари, инглиз ва ўзбек алла намуналари ва маъно қўламига кўра ажратилган гуруҳлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан 2017-2020-йилларда олиб борилган ФА-Ф-1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021-йил 12-декабрдаги 17.01/296-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида тадқиқ қилинган алла матнлари ва уларнинг маъно изоҳлари хусусида батафсил маълумот олиш учун ишончли манба бўлиб хизмат қилган;

диссертация илмий натижалари ва хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016-йилларда амалга оширилган ФА-0-13229 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022-йил 1 апрелдаги 120/1-сонли маълумотномаси). Натижада аллаларнинг мавзуй гуруҳлари кўлами анча кенг эканлиги, инглиз тилидаги алла матнларининг фарқли жиҳатлари, инглиз ва ўзбек аллаларида сўзларнинг тараққиёт даврида эскириб, архаик сўзларга айланишини аниқлашга имкон берган;

инглиз ва ўзбек аллаларининг лингвистик хусусиятларини белгилаш, инглиз ва ўзбек аллаларини лингвомаданиятшунослик соҳасидаги ўрнини аниқлаш борасидаги илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази мажлисининг 2021 йил январдаги Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастурининг “Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш” номли VI йўналишининг 50-банди “Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Рустамхон” каби халқ оғзаки ижоди намуналаридан кенг фойдаланган ҳолда “Миллий қадриятлар” фестивалини ўтказиш” мавзусидаги мақсадли ва манзилли тарғибот тадбирларини ташкил этишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 15-февральдаги №02.02.203 сонли далолатномаси). Натижада маънавий-маърифий тадбирлар мазмуни назарий маълумотлар билан бойитилган;

инглиз ва ўзбек тилларида аллаларнинг чоғиштирма тадқиқи, аллаларнинг ижтимоий-эстетик моҳияти, уларнинг вазифалари, икки тил аллаларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларига оид хулосалардан Хоразм телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Хоразм” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Хоразм телерадиокомпаниясининг 2021 йил 1 декабрдаги 1313-сонли маълумотномаси). Натижада адабий-бадий, маънавий-маърифий дастурларда мазкур тил аллаларининг бадий имконияти кенгроқ очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг

асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та (6 та республика ҳамда 3 та хорижий журналларда) мақола ва 1 та услубий қўлланма нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ҳамда вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Инглиз ва ўзбек аллаларининг генезиси ва типологияси”** деб номланган бўлиб, у икки фаслдан ташкил топган. Биринчи фаслда **“Аллаларнинг қадимий илдизлари”** хусусида сўз юритилади. Алла этнологияси хусусида турли қарашлар мавжуд: айримлар уни “Оллоҳ” ёки “Аллоҳ” сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шакли деган фикрни олға сурса, яна айримлар уни “алдамоқ” сўзидан келиб чиққан, шунга кўра у болани алдаб-авраб ухлатиш маъносига эга дея изоҳлашга уринади¹⁶. Келтирилган изоҳлар гарчи ҳақиқатга яқин бўлса ҳам, ўз тасдиғига эга эмас.

С.Рўзимбоев, Х.Рўзметов, С.Сариевларнинг **“Фольклор атамалари қисқача луғати”**да алла сўзининг қуйидагича таърифини учратиш мумкин: **“Алла”** атамаси ухлатиш, ётқизиш маъноларига эга. Бола туғилганидан бошлаб то 3-4 ёшга тўлгунича уни ухлатиш учун алла айтилади. Аллалар тўрт, олти, саккиз қатор бўлиши мумкин¹⁷.

Ўзбек фольклоршунослигида аллалар болалар фольклори жанрларидан бири сифатида ўтган асрнинг 70-йилларида Г.Жаҳонгиров томонидан ўрганила бошланган¹⁸. Ушбу муаллиф **“Ўзбек болалар фольклори”** (1974) монографиясини яратган. Монографияда болалар фольклорининг ўзига хос хусусиятлари ва турлари, тил сирлари ва жумбоқлари, болалар кўшиқлари, эртаклари ва рақс фольклорининг хусусиятлари батафсил таҳлил қилинади.

Оналарга болаларни тарбиялашда кўшиқ мададкор бўлган: болаларини кўшиқ билан ухлатганлар, йиғласа куйлаб овутганлар, эркалаганлар, ҳатто кўшиқ билан чақалокқа дахлдор расм-русумларни бажарганлар. Шу заминда

¹⁶ Нафасов Т. Алла ҳақида сўз. Ўзбек аллалари. – Қарши: Насаф, 1994. – Б. 69.

¹⁷ Рўзимбоев С., Рўзметов Х., ва б. Фольклор атамалари қисқача луғати. Услубий қўлланма. – Урганч: Хоразм нашриёти, 2013. – Б. 15.

¹⁸ Имомов К., Мирзаев Т. ва б. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 287.

аллалар, айтим-олқишлар, овутмачоқлар, эркаламалар, кизикмачоқлар юзага келган. Оналар фольклорига мансуб кўшиқларда эркалаш мотиви етакчидир. Шу мантиққа асосланиб, О.Сафаров ва К.Очиловларнинг “Бойчечак (Болалар фольклори, меҳнат кўшиқлари)” номли тўпламида оналик фольклоридаги поэтик асарлар оналарнинг эркаловчи поэзияси деб аталган.

Мазкур асарда, ўз навбатида, эркалаш поэзиясига мансуб намуналар ижро мақсади, ўрни ва бола ёш савияси муносабатига кўра икки гуруҳга ажралади, дея кўрсатилади:

- 1) бешик даври;
- 2) туғилганидан 6-7 ёшгача.

Шу гуруҳлардан аллалар биринчи гуруҳга киритилган ва чақалоқ 3 ёшни тўлдиргунича айтилган¹⁹.

Т.Мирзаев, О.Сафаров, ва Д.Ўраевларнинг “Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси” номли асарида болалар фольклори намуналари билан бирга аллаларнинг ҳам бир қанча намуналари келтирилган²⁰. Қолаверса, Охунжон Сафаров “Алла-ё алла” ва “Эл суярим, алла” номли ўзбек халқ аллалари жамланган тўпламларидаги аллаларни мавзуй кўламларига кўра тадқиқ қилган. Унда аллалар авайловчи, лирик, юмористик, тарихий ва йиғи аллалари тарзида 5 турга бўлинган. Бироқ Музайяна Алавия “Ўзбек халқ кўшиқлари” номли асарида йиғи-йўқловлар деб номланган алоҳида гуруҳни келтиради. Унга ота, она ва фарзанд вафот этганда айтиладиган йиғи кўшиқлар киритилган²¹. М.Алавия ва С.Рўзимбоевларнинг “Совет даври халқ кўшиқлари” асарида ҳам бундай аллалар йўқловлар сифатида келтирилган²². Одатда, йиғи кўшиқларида маъюслик, хафагарчилик, жудолик ғоялари ифода этилади. Бу хусусият совет давридаги марсияларда ҳам сақлангани ҳолда, улардаги ўта пессимизм, илоҳий кучларга сиғиниш, оила бошлиғи вафоти оқибатида оиланинг хонавайрон бўлиши каби воқеалар ҳозирги йиғи кўшиқларида етакчи мазмун бўлиб гавдаланмайди, балки бахтли ҳаётдан бевақт кетган марҳум учун афсус чекилади. Ушбу асарда мотам аллалари ҳам ана шу гуруҳга киритилган.

Алла сўзи инглиз тилида “**lullaby**” ёки “**cradle song**” деб номланади. “**lull**” сўзи “тинчлантормоқ, юпатмоқ” маъноларини ифодалайди (кўринишлари **lullay, lulla, lullay**). Болани уйқуга ётқизиш учун куйланади²³. Ўрта асрлардаги алла матнларида ушбу сўз “**lollai**” шаклида берилган. Яна бир кўриниши “**lullay, lullay**” шаклида бўлган.

¹⁹ Сафаров О ва Очилов К. Бойчечак. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 325.

²⁰ Mirzayev T., Safarov O. va b. O‘zbek xalq og‘zaki ijodi xrestomatiyasi. – Toshkent: Aloqachi, 2008. – B.560.

²¹ Алавия М. Оқ олма, кизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1959. – Б. 213.

²² Алавия М., Рўзимбоев С. Совет даври халқ кўшиқлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 10.

²³ Hoad.T.F. The Concise Oxford dictionary of English etymology. – Oxford University Press, 2002. – P.273.

Инглиз тилшунослари Фанк ва Вогнелснинг “Standard dictionary of folklore, mythology, and legend” (Фольклор, мифология ва афсоналарнинг стандарт луғати) номли луғатида²⁴ юқоридаги атамаларга қуйидагича таъриф келтирилган:

Lullaby – болани уйқуга ётқизиш учун куйланадиган қўшиқ тури, бешик қўшиғи, баъзан оддий хиргойидан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин.

Lull – тинчлантормоқ, хотиржам қилмоқ;

Lullaby – болани уйқуга чорловчи ҳузурбахш қўшиқ²⁵.

Инглиз олими Ҳазел Катерине Ҳоуск томонидан “The middle English religious lyric” (Ўрта аср диний лирикаси) деб номланган тадқиқот ишида алла диний қўшиқ тури сифатида кўрсатилган. Инглиз халқида дастлабки аллалар диний қараш билан боғланади. Яъни илк аллалар диалог шаклида бўлиб, улар Биби Марям ва Исо Масих ўртасида бўлиб ўтган суҳбатлар, деган қараш мавжуд. “Айримларида болани кутаётган изтироблари, камситилишлар, хўрланишлар ва ўлим ҳақида ҳикоя қилинади. Айримларида эса онанинг яширин ҳолдаги кўз ёриши ва боласининг буюк инсон бўлиб етишиши ҳақида баён этилади”²⁶.

Бобнинг иккинчи фасли “**Инглиз ва ўзбек тилшунослигида аллаларнинг мавзуй қўлами**” деб номланиб, унда аллалар иккала тил миқёсида контекстуал гуруҳларга ажратилган ҳолда таҳлилга тортилган.

Ушбу тадқиқот ишимизда биз аллаларда кўп учрайдиган мавзуларни саралаб олган ҳолда, уларда илгари сурилган мотивларни кенг ёритишга ҳаракат қиламиз. Аллалардаги энг кенг тарқалган мавзу ва мотивлар орасида қуйидагиларни танладик:

1. Инсон образи билан боғлиқ аллалар:

а) аллада бола образи;

б) аллада ота образи;

в) аллада она образи;

г) аллада тарихий шахслар образи.

2. Маънавий-маърифий қадриятлар билан боғлиқ аллалар:

а) табиат манзараси;

б) аллада ахлоқ-одоб қоидалари;

в) аллада Ватан мадҳи;

г) аллаларда тилаклар;

д) мотам мавзусининг ифодаланиши.

Инглиз аллаларининг мавзуй қўлами қуйидагича:

1. Reflections of History, Custom, and Tradition.

2. Landscape, Nature and Celestial Bodies.

²⁴Funk and Wagnalls. Standard dictionary of folklore, mythology, and legend. – New York: Funk and Wagnalls, 1972. – P.652

²⁵Macmillan English Dictionary. – Malaysia: Macmillan Publishers Limited. 2007. – P.902

²⁶Hazel K.H.The middle english religious lyric.M.A. Thesis. – Graduate School of IllinoisUniversity, 1918.

3. The Child in the Lullaby.
4. The Father in the Lullaby.
5. The Mother in the Lullaby.
6. Questionable Morality, Secrets and Coded Messages.
7. Wishes, Dreams, Promises, Bribes, and Threats.
8. Monsters, Bogeymen, Violence, and Death.
9. Magic, Myths, and Legends.
10. Prayers, Sacred, Christmas, or Yuletide Lullabies.

Аллаларда бола образи жуда гўзал тарзда тасвирланади. Аксарият аллаларда бола марказий характерга эга, аммо у ҳар хил кўринишда ва кўплаб қизиқарли вазиятларда учрайди. Бу мотивдаги аллаларда болага қандай муружаат қилиниши ва боланинг аллаларда қандай тасвирланганлигини кенг ёритишга ҳаракат қиламиз.

Сан эрусан сарвинозим,
Сансиз ўтмас баҳор, ёзим.
Кўлларимда сузган ғозим,
Жоним болам, алла-ё алла.

Умримнинг меваси, новда чинорим,
Қуш чертмас лочиним, олғир шунқорим,
Бу дунёда йўғим, мангулик борим,
Жоним болам, алла-ё алла²⁷.

Алла матнида бола тасвири шу қадар гўзал қилиб тасвирланганки, унда бола васфини таърифлаш учун она бутун маҳоратини ишга солганлигини кўришимиз мумкин. Аллада йил фаслларида тортиб, ҳар хил қушларнинг ва дарахтларнинг турлари эслатиб ўтилган. **“Кўлларимда сузган ғозим”** жумласи орқали бола **“ғоз”**га қиёсланмоқда, чунки ғоз мағрур ва садоқатли қуш саналади. Одатда, умрни бир дарахтга ўхшатишади, фарзанд эса унинг мевасидир, яъни инсон бутун умри давомида қилган энг эзгу амали бу фарзандли бўлишдир. Маълумки, чинор дарахти икки минг йил ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ умр кўрадиган ўсимлик турига киради. Танаси бақувват, бўйлари узун ва шох-шаббалари қалин бўлиб ўсади. Бетакрор кўринишга эга бу дарахтни кейинги сатрда болага ўхшатилаётганига асосий сабаб ҳам шудир. Фарзандини узоқ умр кўришини истаётган она уни **“новда чинорим”** дея эркалатмоқда. Навбатдаги сатрда эса она кичкинтойини лочин қушига ўхшатаётганини кўришимиз мумкин. Биламизки, лочин қуши йиртқич қушлар туркумининг чакқон ҳаракатли тури ҳисобланади. Овчилар уни қўлга ўргатиб, қуш овлашда фойдаланишади. Бола унга нисбатлаганда эса **“чакқон, эпчил ва шижоатли”** деган маънолари фаоллашади. Шунқор ҳам худди лочинга ўхшаб чакқон бўлганлиги сабабли ов қуши сифатида фойдаланилади. Ҳар бир онанинг ўз фарзандини бу қушлар воситасида эркалашидан асосий мақсад ҳам унинг чакқон ва эпчил бўлиб камол

²⁷ Тилавов А. Энг сара аллалар. – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2017. – Б. 50.

топишини исташидадир. Охирги жумлалардан эса болакай онанинг бор-у йўғи эканлиги яна бир марта таъкидланади.

Фарзандга мурожаатни инглиз аллалари намунасида кўрадиган бўлсак, унда ҳам худди шундай мисолларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

<p>Dance to your Daddy, my little laddie, Dance to your Daddy, my little man. Thou shalt have a fish, thou shalt have a fin, Thou shalt have a haddock when the boat comes in, Thou shalt have a codling broiled in a pan, Dance to your Daddy, my little man²⁸.</p>	<p>Дадангга ўйнаб бер, болакай, Дадангга ўйнаб бер, кичкинтой. Сенда балиқ бўлади, сузгичларинг бўлади. Қайиқ келган пайтда дуккакли балиғинг бўлади. Товада ковурилган балиғинг бўлади, Дадангга ўйнаб бер, кичкинтой.</p>
--	--

Ушбу матндаги **“laddie”** сўзи йигит сўзининг шотланд диалектидаги кўриниши бўлиб, у фақат ўғил болаларга нисбатан қўлланиладиган сўздир. **“My little man”** айнан ўғил болага нисбатан қўлланилувчи сўз эканлиги маълум. Қолаверса, матннинг мазмунига кўра дадасига рақс тушиб берадиган болага совға сифатида балиқ ваъда қилинмоқда.

Мавзу кўлами бўйича қилинган тадқиқотлардан инглиз ва ўзбек аллаларидаги тарихий шахслар образи билан боғлиқ аллаларда фарқли жиҳат кўзга ташланади. Унга кўра, ўзбек аллаларида учровчи тарихий шахслар инглиз аллаларидаги каби болани кўрқитиш мақсадида эмас, балки болага ибрат маъносида қўлланилади. Кўрқитиш мотиви фақат инглиз аллаларига хос эканлиги аниқланди. Шунингдек, Ватан мадҳи мавзуси ҳам ўзбек аллалари учун хос бўлиб, инглиз аллаларида бундай мотив учрамайди.

Тадқиқотнинг **“Аллаларнинг маъновий ва услубий хусусиятлари”** деб номланган иккинчи боби учта фаслдан иборат.

Биринчи фаслда **“Инглиз ва ўзбек аллаларида қўлланилган сўзларнинг маъно қирраларидаги ўзига хос хусусиятлар”** хусусида сўз боради. Инглиз аллаларида жанр номи ва сатр охирида такрорланувчи сўз **“lullaby”** сўзи бўлиб, у радиф сифатида ўзбек тилидагидек фаол эмас. **“Lullaby”** сўзи ҳам асосан **“ухламоқ”** маъносини ифодалаб келади. Бироқ ўзбек аллаларида радиф фақатгина бир сўз доирасидагина такрорланса, инглиз тилида бир неча сўзлар мисра охирида такрорланади. Буларга **“sleep, baby, sleep”, “goodnight-goodnight”, “goodbye-goodbye”** ва **“lullaby”** кабилар қиради. **“Lullaby”** сўзи (**mother will sing you a lullaby**) (онанг сенга алла айтади) жумласи орқали кўшиқ маъносини ифодалаб келган.

Rest your head upon my shoulder,	Бошингни елкамга қўй,
----------------------------------	-----------------------

²⁸ Herbert L.D. The Lullaby Book. – London: Templar Publishing, 1959. – P. 65.

<p>Baby, little baby. Sleepy head your day is over. Baby, little baby. Close your eyes while <i>I sing a lullaby</i>, Baby, baby of mine, Baby, baby of mine²⁹.</p>	<p>Кичкинтой, жажжи кичкинтой. Уйқучи кун охирлади. Кичкинтой, жажжи кичкинтой. Алла айтай кўзларингни юм, Болам, болажоним, Болам, болажоним.</p>
---	---

Инглиз алла матнларида “**lullaby**” сўзи билан бирга, баъзан сон жихатидан ундан ҳам кўпроқ фойдаланилувчи сўз – “**sleep**” (ухла) сўзидир. Одатда, бу икки сўз бирга келиб, умумийликда “ухла” деган маънони ифодалаш учун хизмат қилади.

Ўзбек халқ аллаларида энг кўп қўлланиладиган сўз – “**алла**” сўзидир. Бу сўз мисра бошида, мисра ўртасида ва мисра охирида, баъзан такроран, баъзан яқка ҳолда қўлланилганини кўрамиз. Қўлланилиш ўрни, усули ва матннинг умумий мазмунидан келиб чиқиб, “**алла**” сўзи турлича маъноларни англатгани алоҳида аҳамиятга молик.

Демак, “**Алла**” ўзбек болалар фольклори жанрларидан бирининг номи бўлиб, ўзбек халқ аллаларида **болани ухлатиш учун айтиладиган кўшиқ, аёл рутбаси учун муқаддас бўлган тушунча, мантиқан бешиқ, беланчак, оромбахш маскан, муқаддас макон** ва аксарият ҳолларда, кўпчилик аллаларда бу сўз “ухла” маъносини англатади.

Алла сўзининг кўшиқ маъноси халқ аллаларидаги “Алла айтсам бўлармикин”, “Алла айтай ўзингга”, “Аллалар айтиб ухлатай ойимчани”, “Сенга алла айтайин”, “Дўмбоғимга алла айтсам”, “Момоси алла айтар” каби жумлаларида ҳам воқеланади. Масалан:

Оқ шоҳидан рўмолим, алла,
Оқ юзингни артайин, алла.
Чўлпон кўзингни юм, кўзим, алла,
Сенга алла айтайин, алла³⁰.

Бобнинг иккинчи фасли “**Инглиз ва ўзбек аллаларининг лексик таҳлили**” деб номланади. Лексик birlikлар тилда турли семантик муносабатлар асосида ҳар хил парадигмалар ҳосил қилган ҳолда мавжуд бўлади. Синонимик, антонимик, партонимик, гипонимик муносабатлар ана шундай лисоний муносабатлардир. Алла матнларида синонимия ҳодисаси кўп эканлиги эътиборга молик. Болани эркалашда фойдаланиладиган бир-бирига маънодош сўзларнинг қўлланилиши аллада ифодаланаётган маънони кучайтиришга хизмат қилади.

Инглиз алла матнларида учрайдиган **синонимларни** таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги алла намунасида синонимия ҳодисаси сифат сўз туркуми доирасида кечганлигини кўриш мумкин.

²⁹ Beaten C. MrS.Moon: Lullabies for bedtime. – Boston: Barefoot books. 2005. – P. 26.

³⁰ Ёқуббекова М. Аллаларда оиланинг оппоқ орзуи. – Тошкент: РОИАМ, 2009, – Б. 26.

<p>Sleep, my child, and peace attend thee, All through the night. Guardian angels God will send thee, All through the night. <i>Soft</i> and <i>drowsy</i> hours are creeping, Hill and dale in slumber sleeping. I my loving vigil keeping, All through the night³¹.</p>	<p>Ухла болажоним, тинч ором олгин, Бутун тун бўйи, Аллоҳ сенга ҳимояловчи фаришталарни юборади. Бутун тун бўйи, Майин, осуда вақт давом этар. Тепалик ва водийлар мудроқ уйқуда, Мен суюклигимга термуламан, Бутун тун бўйи.</p>
--	---

“*Soft*” ва “*drowsy*” сўзлари “сокин ва тинч” деган маъноларни англатувчи синонимлар бўлиб, аста-секин осуда вақт, яъни уйқу пайти яқинлашаётганини ифодаб келган.

Синли, синли синбатлим.
Нарашердай келбатлим,
Қушдай шунқор келбатлим,
Улуғ шохдай савлатлим.
Алла, болам, алла-яй.
Жоним болам, алла-яй³².

Юқорида келтирилган алла намунасидаги “**синбатлим, келбатлим ва савлатлим**” каби синонимик қаторлар алла матнларида кўпчиликни ташкил қилади. Шу ўринда “**шунқор**” сўзи, гарчи от сўз туркумига мансуб бўлса ҳам, келтирилган мисоллар билан бирга контекстуал синоним бўла олади. Чунки “синбатли, келбатли ва савлатли” сифатлари “-м” эгалик кўшимчасини олиш орқали отлашган.


Бундан ташқари, фаслда алла матнларидаги сўзлар тузилишига кўра ҳам таҳлилга тортилиб, содда, кўшма, жуфт ва такрор сўзларга ажратилди. Натижада кўшма сўзларнинг жуфт ва такрор сўзларга нисбатан кўпроқ қўлланилиши ва улар маънони бойитишга хизмат қилиши қайд этилди.

